

## ШАМС ТАБРИЗИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ШАРҚ ФАЛСАФАСИДАГИ ЎРНИ

Одинаев Махмуд Ахмадович

“Smart Education Bukhara” МЧЖ таъсисчиси

## РОЛЬ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ ШАМС ТАБРИЗИ В ВОСТОЧНОЙ ФИЛОСОФИИ

Одинаев Махмуд Ахмадович

Основатель ООО «Smart Education Bukhara»

## THE ROLE OF SHAMS TABRIZI'S SPIRITUAL HERITAGE IN EASTERN PHILOSOPHY

Odinaev Mahmud Ahmadovich

Founder of LLC “Smart Education Bukhara”

**Аннотация.** Шамс Табризий XIII асрда яшаган Шарқ фалсафасининг буюк вакилларидан биридир. Унинг фаолияти айниқса тасаввуф фалсафасида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу мақолада буюк мутасаввиф Шамсиддин Табризийнинг ҳаёти ҳамда илмий-маънавий меросининг фалсафий асослари очиб берилган. Шунингдек, Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий ўртасидаги илмий алоқалар борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, тасаввуф, мутасаввиф, фалсафа, дин.

**Аннотация.** Шамс Тебризи – один из великих представителей восточной философии, живший в XIII веке. Его работы особенно важны в философии суфизма. В данной статье раскрываются философские основы жизни и научно-духовного наследия великого мистика Шамсиддина Тебризи. Также есть комментарии о научных связях Шамса Тебризи и Джалалуддина Руми.

**Ключевые слова:** Шамс Тебризи, Джалалуддин Руми, мистика, мутасаввиф, философия, религия.

**Annotation.** Shams Tabrizi is one of the great representatives of Eastern philosophy, who lived in the 13th century. His works are especially important in the philosophy of Sufism. This article reveals the philosophical foundations of the life and scientific-spiritual heritage of the great mystic Shamsiddin Tabrizi. There are also comments on the scientific connections of Shams Tabrizi and Jalaluddin Rumi.

**Key words:** Shams Tabrizi, Jalaluddin Rumi, mysticism, mutasavvif, philosophy, religion.

### КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Бугунги кунда мамлакатимизда Шарқ фалсафасида ўчмас из қолдирган аллома ва мутафаккирларнинг бой илмий ва маънавий меросини тадқиқ қилиш, улар ёзиб қолдирган ҳикматга бой фалсафий манбаларни ўрганиш ва ушбу манбалардан янги маънавий маконни яратиш йўлида фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, алломалар босиб ўтган йўл, чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган асарлар бугунги кундаги турли мафкуравий хуружлар, ахборот

тахдидларининг олдини олишда долзарб аҳамият касб этади.

Шарқ фалсафий тафаккури тарихида муҳим аҳамият касб этувчи шундан мутафаккирлардан бири олим, файласуф ва мутасаввий Шамсиддин Табризийдир.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS).** Шамс Табризийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, аллома асосан ҳозирги кунда Эрон, Озарбайжон ва Туркия давлатларида



Тел: +998 93 635 42 12

E-mail:

[mahmud.odinayev@mail.ru](mailto:mahmud.odinayev@mail.ru)

[https://orcid.org/0009-0008-](https://orcid.org/0009-0008-8710-0288)

[8710-0288](https://orcid.org/0009-0008-8710-0288)

жойлашган шаҳарларда фаолият олиб борган-лигига гувоҳ бўламиз. Шамс Табризийнинг ҳаёти ва илмий мероси борасида ул зотнинг шогирди Жалолоддин Румий, Султон Валад, шунингдек Шамсиддин Афлокий кабилар маълумот берган. Аммо ҳозирги вақтга қадар унинг ҳаёти ҳақида муфассал маълумот берувчи бирор манба мавжуд эмас. Шамсиддин Афлокийнинг “Маноқибул орифин” асарида Шамс Табризийнинг 1186 йилда Табриз шаҳрида дунёга келганлиги ҳақида маълумот келтирилган [4].

Шамс Табризий илмий меросининг Шарқ фалсафий тафаккури тарихидаги аҳамиятини ёритишга қаратилган мазкур мақолада илмий тадқиқотнинг ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларида қўлланиладиган анализ, синтез, аналогик таҳлил, герменевтик таҳлил каби бир қатор метод ва усуллардан самарали фойдаланилган.

#### **МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION).**

Шамс Табризий фалсафий манбаларда кўпинча “Шамсул ҳақ ва-д-дин”, “Шамс”, “Шамси Табризий” каби лақаблар билан улуғланиб келинади. Отаси Муҳаммад ибн Али Малиқдод мато савдоси билан шуғулланиб, кейинчалик савдо мақсадида Хуросондан Табризга келган.

Шамс Табризий қаламига мансуб деб эътироф этиладиган “Мақолоти Шамс Табризий” ва ундан ривоят қилинган “Маноқибул орифин” асарида Шамснинг болалик ва ёшлик йилларида сирли ҳаёт кечиргани, юксак маънавий қобилятга эга бўлганлиги, кўп зоҳидлик қилгани, само қилгани айтилади. Шамснинг дастлаб табризлик шайх Саллабоф тахаллуси билан машҳур бўлган Рукниддин Муҳаммад Сужосийдан илм ўрганганлиги “Мақолоти Шамс Табризий”нинг бир қанча жойларида келтириб ўтилади [1].

Афлокийнинг ёзишича, Шамс туғилган жойидаги тариқат пирлари томонидан “Комили Табризий”, дарбадарликда, дарвешона ҳаёт кечиргани учун эса “Шамсиддини Паранда” лақабини олган [4].

#### **НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS).**

Маълумки, Шамс Табриздаги Рукниддин Муҳаммад Сужосий ҳузуридаги таълимдан кейин Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб, Қайсарийя, Сивас,

Эрзурумга борган. Афлокий бу саёҳатларни ўша даврдаги илм мажлисларида иштирок этиш, маънавий барака топиш ва чин дўстга эга бўлиш мақсадида қилинганлигини таъкидлайди [4]. Шамс Табризий Бағдод ва Кайсарийяда Авҳодуддин Кирмоний ва Саййид Бурҳониддин Муҳаккик Термизий, Дамашқда Муҳйиддин ибн ал-Арабий каби ўз даврининг етук алломалари билан илмий суҳбатлар қурди ва уларнинг маърузаларида қатнашди. Мавлоно Жалолоддин Румий таъбири билан айтганда, Шамс нафақат тасаввуф, балки кимё, илми нужум, риёзиёт, илоҳиёт, мантиқ каби илмлар борасида ҳам билимдон бўлган.

Шамс Табризий ўзининг сафарлари давомида дуч келган шайх ва уламолар орасида ҳақиқий шайхлик ва дўстликни Мавлонода топганини билдиради. Шамсиддин Афлокийнинг берган маълумотларига кўра, Мавлоно Жалолоддин Румий ва Шамс Табризий биринчи марта Дамашқда учрашишган [4]. Эронлик олимлардан бири Бадиуззамон Фурузонфар келтирган маълумотларга кўра икки аллома Ҳалабда учрашганлар. Афлокийнинг ёзишича, отаси вафотидан сўнг устози Саййид Бурҳониддин Термизийнинг буйруғи билан илм ўрганиш учун Дамашққа борган Мавлоно, бир куни халқ орасида бўлганида қалпоқли, қора либосли Шамсни учратиб қолади. Мавлоно унга қўлини узатиб, шундай дейди: “Эй дунё саррофи, мени англа!” Шамс шу сўзнинг таъсирида истиғроқ (беҳуш) ҳолига тушди, ўзига келганида Мавлоно у ердан ғойиб бўлди. Баъзи манбаларда Шамснинг Анадолуга қараб йўлга тушганлиги Мавлонодаги ана шу комилликни кашф этгани билан изоҳланади. Мавлононинг Саййид Бурҳониддин, Ибн Арабий, Баҳоуддин Валад, Авҳодуддин Кирмоний каби яқин доиралари ҳам Шамсга маълум бўлган. Бу ҳам икки буюк мутасаввиф зотларнинг азалдан алоқаларга эга бўлганлигини кўрсатади [3].

Мавлононинг Шамс Табризий билан иккинчи учрашуви Саййид Бурҳониддин вафотидан беш йил ўтиб, Коняда содир бўлди. Замонавий тадқиқотчилардан бири Аҳмад Даданинг ёзишича, умрининг охирида Коняни тарк этиб, Қайсарияга жойлашишга қарор қилган Саййид Бурҳониддин Мавлонога Шамснинг Коняга келиши хабарини қилган шахсидир [5].

Бу вақтда Жалолиддин Румий Конянинг бир қанча мадраса ва хонақоҳларда шариат ва тарикатдан дарс берарди. Муридлари ҳар куни у кишининг суҳбатларини интиқлик билан кутиб турарди. Бироқ Шамс Табризий билан қилинган илк мулоқотдан сўнг Румий ваъзхонлик ва дарс беришни тўхтатиб зикр ва муроқабага ғарқ бўлади. Муридлари ва халқ Румийдек зот бир пасда ўзгариб Шамс Табризий каби бир дарвеш изидан эргашишини тасаввурларига сиғдира олишмасди. Одамлар бу ҳолатни таъна-маломат қилишарди. Мавлоно Шамс билан учрашгандан кейин мадрасадаги дарсларини ташлаб, Шамснинг илтимосига кўра бутун вақтини Шамс суҳбатига бағишлаган. Бу халқ орасида Шамсга нисбатан гина-қудрат уйғонишига ва Мавлоно ваъзларидан маҳрум бўлган одамлар орасида турли миш-мишларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Румий Шамсга шунчалик боғлаган эдики, “Девони кабир” каби асарини устози номига бағишлаб “Девони Шамс”га ўзгартирди.

Шамс Табризийнинг вафоти сабаблари, унинг дафн этилган ери борасида Мавлоно Жалолиддин Румий ва Баҳоуддин Валаднинг асарларида бирор маълумот келтирилмаган. Баъзи манбаларда Шамс Табризий суиқасд қурбони бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган бўлсада, Сипоҳсолор ва Султон Валадга асосланиб, Фурузонфар Мавлононинг Шамсни топиш умиди билан икки марта Дамашққа қилган сафарини суиқасднинг ҳақиқий эмаслигига далил сифатида кўрсатади [2].

Шамс Табризийнинг тасаввуфий сўзлари, ғоялари, ривоятлари, Мавлоно ва бошқа сўфийлар билан бўлган суҳбатлари ва ҳаётига оид воқеалардан иборат бўлган “Мақолот” асари унинг ҳаёти ва илмий-фалсафий фаолиятдан гувоҳлик берувчи энг муҳим асарлардан

ҳисобланади. Мазкур асар Мавлавийлар томонидан “Ҳирқаи Шамс” ёки “Асрори Шамсиддин” каби номлар билан ҳам юритилади. Баъзи нусхаларида эса ушбу китоб “Калимати Шамс Табризий”, “Маорифи Шамс Табризий” каби номлар билан ҳам номланганлигини кўриш мумкин [1].

**ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION).** Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Шарқ фалсафаси, хусусан тасаввуф таълимоти ривожидида Шамсиддин Табризийнинг ўрни юксак даражада бўлиб, аллома Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Валад сингари ўз даврининг етук илмий инсонлари учун маънавий устоз даражасига кўтарилган. Унинг асарларида илгари сурилган комил инсон, руҳий тарбия, ахлоқий баркамолликка оид ғояларни тадқиқ этиш эса бугунги глобаллашув замони учун ўта долзарб вазифалардан ҳисобланади.

#### **ADABIYOTLAR RO‘YXATI (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)**

5. Шамс Табризий. Мақолот. Али Муваҳҳид тахрири остида. – Техрон: 1949.
6. Фаридун Сипоҳсолор. Рисола: Мавлоно ва унинг атрофидагилар (Таҳсин Язичи таржимаси). – Истанбул: 1977. – Б. 121-134.
7. Султон Валад. Ибтидонома. (Абдулбоқий Голпинарли таржимаси). – Анқара: 1976. – Б. 48-92.
8. Шамсиддин Афлокий. Орифлар маноқиблари. (Таҳсин Язичи таржимаси). – Истанбул: 1995. – Б. 189-286.
9. Саҳиҳ Аҳмад Дада. Мавлавийлар тарихи. – Истанбул: 2003. – Б. 164-171.

